

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

Чуст шаҳри

2022 й. «5» 10

345-6-89-ОВ/2022-сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Чуст туман ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошқарма бошлиғи Р.Рўзимбоев биринчи томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритиладиган «Маржона Шахноза» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона директори Б.Файзуллаев, кейинги ўринларда «объект» деб юритиладиган, Чуст тумани Сабзозор МФЙ Янгиер кўчасини (295 метр.ни) жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа- смета ҳужжатларига мувофиқ «Объект»да ишларни бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га ишларни бажариш учун зарур бўлган шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

2.1. Мазкур шартнома Ўзбекистан Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 472-сонли Қонунига асосан асосан «Пудратчи» томонидан объектда бажариладиган қурилиш монтаж ишлари юзасидан аниқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 114 899 819 (бир юз ўн тўрт миллион саккиз юз тўқсон тўққиз минг саккиз юз ўн тўққиз) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1.-бандида кўрсатиб ўтилган ишларнинг қиймати якуний деб ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда.

**III. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасига мувофиқ «Ишларни бажариш жадвали»да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га шартнома шартларига мувофиқ тошшириш;
- «Буюртмачи»ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

## VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун «Ишларни бажариш жадваллари» асос ҳисобланади (1-илова).

6.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказилади.

6.3. Жорий ойма-ой молиялаштириш амалда бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қолган тўлов ҳам амалга оширилади.

6.4. «Пудратчи»нинг ишончли вакили бажарилган ишларни молиялаштириш мақсадида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб варағи (Ф-3)ни нуқсонларсиз, ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда «Буюртмачи» томонидан тайинланган техник назоратчи иштирокида «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб бўлимига тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

6.5. Томонларни ўзаро ҳисоб-китобларни узил-кесил ҳал этиш учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишларни қабул қилиб олиш далолатномасини молия йили декабр ойининг 5 чи кунига қадар тақдим этиши шарт.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширилади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. «Пудратчи» техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги йўл қурилиши ишларини назорат қилиш инспекцияси томонидан бажарилаётган ишларни назорат қилиб борилади.

7.5. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 1-илласи «Ишларни бажариш жадвали»да белгиланган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

7.7. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини

тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

### VIII. ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

8.1. Объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек Объектларни қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

8.2. Объектни қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

8.3. «Пудратчи» тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

8.4. Объектни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

8.5. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш назорат органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

8.6. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

### IX. КАФОЛАТЛАР

9.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган Объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 24 ой этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган

нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

9.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

9.5. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## Х. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

10.2. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

10.5. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.6. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» «Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ

тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.7. «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

10.8. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.9. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

11.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

11.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик килувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида, томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

11.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

11.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

11.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. «Буюртмачи»:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 12.2. «Пудратчи»:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, «Пудратчи» бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда «Буюртмачи» «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчи»га тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХИИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар келиб чиққан ҳолда, томонлар қонунга кўра уларни судгача ҳал этиш юзасидан мустақил равишда тегишли чоралар кўрадилар.

13.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, ушбу масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### ХИИ. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз,

субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши фақат конун ҳужжатларида курсатилган ҳолатлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

14.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, мазкур шартномага киритиладиган ўзгартиришлар «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонларидан шартномага қўшимча келишув битами орқали расмийлаштирилади.

14.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади,

14.6. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган лиги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча доллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.8. Шартнома тарафлар имзолаган ва ғазначилик идораларидан рўйхатдан ўтказилган сўнг кучга киради.

14.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача деб белгиланди.

Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, шартноманинг барча нуехалари тенг юр и дик кучга эгадир.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Пудратчи”	“Буюртмачи”
Маржона Шахноза МЧЖ	Чуст туман Ободонлаштириш бошқармас
Манзил: Чуст шаҳар, Дехқонобод МФЙ, Охунбабаев кўчаси	Манзил: Чуст шаҳри, Чустий кўчаси
Тел./факс 69-42-10-777	Ш.х.в: 100022860142377045203110001
Х/р: 20208000900229613001	Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳр Б.Б КХКМ
Банк номи: Ҳамкор банк Чуст филиали	МФО 00014, ОКНХ 90211
МФО: 01160 СТИР: 302627886	СТИР: 200068241
	Молия вазирлиги ғазначилиги
	х/р 23402000300100001010
	Марказий банк Тошкент шаҳри Б.Б КХКМ
	СТИР 201122919 МФО 80014



Б.Файзуллаев

Раҳбар:



Б.Ғузимбоев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

№ DJ16850781

1. Loyihaning turi. Shartnoma.
2. Loyihaning nomi:  
Pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Chust tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 4-oktabr kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik texnikasi va qoidalariga, qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, loyihada korrupsiyaga sabab bo'luvchi omillar mavjud emas va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



Q.Mamadjanov

2022-yil 4-oktabr

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 152916 на приобретение Сабазор МФЙ Янгиер кўчасини асфальтлаш**

Способ проведения электронный

Дата 30.09.2022

Время рассмотрения 28.09.2022 16:04

Закупочная комиссия Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	RO'ZIMBOYEV RAYSHANJON SHOKIRJONOVICH	Рахбар	Чуст туман Ободонлаштириш Бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	AXMEDOV MUXIDDIN MUYDINJONOVICH	Бош мутахасис	Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEVA MUXABBAT RUZALIYEVNA	Мухандис	Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	MADALIYEV TULQINJON ERKINOVICH	тех назор	ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	BOTIROV TOXIRJON TOJIYEVICH	Иктисодчи	ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	PULATOV BAXROM RASULDJONOVICH	иктисодчи	йул буйича

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.09.2022 года № лота 152916.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог Сабазор МФЙ-1
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	120 644 810.00
Стартовая сумма	120 644 810.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ДУСЛИК МЧЖ</b>	5	Кафолат хати илова	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		килинади				
NAMAN MAXSU HSHOOT QURIL MЧЖ	5	5	5	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	5	114899819	5	Экспертная		

Критерий №2 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	5	солиқ қарзи мавжуд эмас	5	Экспертная		
NAMAN MAXSU HSHOOT QURIL MЧЖ	5	5	5	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	5	114899819	5	Экспертная		

Критерий №3 Айланма маблағлари тўғрисида банк маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Айланма маблағлари тўғрисида банк маълумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	10	банк маълумотномаси	1	Экспертная		
NAMAN MAXSU HSHOOT QURIL MЧЖ	10	10	10	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	10	114899819	10	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	9	майдон урганилди	4.5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	9	9	9	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	9	114899819	9	Экспертная		

Критерий №5 3 йиллик молиявий натижадар тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 3 йиллик молиявий натижалар тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	6	молиявий натижа юборилмоқда	1	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	6	6	3	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	6	114899819	6	Экспертная		

Критерий №6 Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Тендердаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	15	охириги 3 йиллик иш тажрибаси юборилмоқда	1	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	15	15	5	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	15	114899819	10	Экспертная		

Критерий №7 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСТЛИК МЧЖ	10	инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаган	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	10	10	10	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	10	114899819	10	Экспертная		

Критерий №8 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСЛИК МЧЖ	10	банкротлик руйхатида мавжуд эмас	10	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	10	10	10	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	10	114899819	10	Экспертная		

Критерий №9 Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг умумий маълумотлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСЛИК МЧЖ	10	Ташкилот хақида умумий маълумот юборилмоқда	1	Экспертная		
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	10	10	10	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	10	114899819	10	Экспертная		

Критерий №10 Шартномани бажариш учун зарур техника

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартномани бажариш учун зарур техника

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ДУСЛИК МЧЖ	20	техникалар мавжуд	1	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	20	20	20	Экспертная		
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	20	114899819	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	120 644 810,00	114 899 819,00 UZS	114 899 819,00	00,00	114 899 819,00	27.09.2022 14:40:26	10
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	120 644 810,00	118 956 328,00 UZS	118 956 328,00	00,00	118 956 328,00	23.09.2022 11:46:31	9,65899

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ДУСТЛИК MЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
MARJONA SHAHNOZA MЧЖ	85,5	10	95,5
NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ	78,3	9,65899	87,95899

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 152916 от 30.09.2022 года на приобретение Сабзазор МФЙ Янгиер кўчасини асфальтлаш определила победителем:

MARJONA SHAHNOZA MЧЖ  
302627886

и резервный исполнитель: NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ (302585584)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	RO'ZIMBOYEV RAVSHANJON SHOKIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERGASHEVA MUXABBAT RUZALIYEVNA	Согласен	
Член комиссии	MADALIYEV TULQINJON ERKINOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOTIROV TOXIRJON TOLYEVICH	Согласен	
Член комиссии	PULATOV BAXROM RASULDJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП